КОНСТИТУЦИЯМИЗДА — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ 2-бет

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САЙЛАНМОҚДА



3-бет

ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ 4-5-бетлар

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА 8-бет

СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми


Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 233 (10.036) / 2003 ЙИЛ 2 ДЕКАБРЬ


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

***ФАРМОНИ***

## Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, қарор қиламан:**

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:

а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;

г) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;

д) мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар;

е) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - тўртдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - бешдан бир қисмига.

7. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон - ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Фармоннинг 1-3, 5,6-моддалари - экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.

8. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 декабрь

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 1 декабрь куни Оқсаройда Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Тлеухан Кабдрахманов Ишонч ёрлиғи топширди.**

Ислом Каримов элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинланиши билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Икки мамлакат МДҲ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби минтақавий ҳамда кўплаб халқаро тузилмалар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентнинг Қозоғистон элчиси билан суҳбатида савдо, сармоя, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик саноати йўналишлари бўйича икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов шу куни Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Фам Зуй Шондан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Мамлакатларимиз оралиғидаги масофа нисбатан узоқлигига қарамай, Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Элчи, хусусан, иқтисодиёт, маданият ҳамда сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ниятида эканлигини таъкидлади.

Ислом Каримов вьетнамлик дипломатга янги бошлаётган миссиясида муваффақият тилади.

Вьетнам элчиси мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Гао Юйшен Ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи билан суҳбат чоғида Ислом Каримов Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш имкониятлари кўплигини, уларни тўлиқ ишга солиш икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бўйича ҳамкоримиз бўлган Хитой элчиси икки томонлама ҳамкорлик, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ишига ҳисса қўшишни ўзи учун бош мақсад сифатида белгиланганини, Ўзбекистондаги миссиясини эса ўзи учун шараф, деб билишини айтди.

Ислом Каримов элчига муваффақият тилар экан, ўзаро муносабатлар бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Президент Ислом Каримов Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Фатҳалидан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Эрон Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига эътиборини кучайтирмоқда. Мамлакатларимизда эса биргаликда ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар талайгина.

Ўзбекистон ва Эрон айниқса транспорт коммуникациялари соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борадаги алоқалар нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама асосда ҳам ривожланяпти. Мамлакатларимиз биргаликда Афғонистон транспорт тизимини тиклаш ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшяпти.

Суҳбат чоғида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлашга бағишланган республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди.**

**• Тошкентдаги Фото уйида Латвиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Латвия. Ракурс» номли кўргазма ўз фаолиятини бошлади.**

**• Устюрт кенгликларида бунёд этилаётган, ҳар йили 100 минг тоннага яқин кальций содаси етказиб берадиган Қўнғирот сода заводининг қурилиши ниҳоясига етмоқда.**

**• Ғиждувон шаҳрида «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг туман бўлими иш бошлади. Банк тумандаги мингга яқин жисмоний ва юридик шахсга хизмат кўрсатади.**

**• «ЎзДЭУ электроникс» қўшма корхонасида Жанубий Кореянинг «Shinyoung Telecom» компанияси томонидан ишлаб чиқилган ахборот технологиялари янги ечимларининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

**• Италиянинг Неапол шаҳрида Европа Иттифоқи мамлакатлари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Иштирокчилар бўлажак Европа парламентининг таркиби ҳамда Европа Иттифоқи ташқи ишлар вазири ваколат ва вазифалари юзасидан фикр алмашдилар.**

**• Шу йилнинг 1 декабри Япония оммавий ахборот воситалари тарихида янги босқични бошлаб берди. Яъни, кечадан бошлаб Кунчиқар мамлакат телевидениеси тасвирни рақамли тарзда эфирга узатишни йўлга қўйди. Рақамли телевидение ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради.**

**• Нью-Йорк шаҳри мэри Майкл Блумберг 11 сентябрь воқеаларидан сўнг ёпиб қўйилган Озодлик ҳайкалини очиш учун маблағ йиғиш мақсадида умумамерика кампаниясини бошлади. Зеро ҳайкалнинг керакли даражада сақланишини таъминлаш учун биргина шаҳар бюджетининг имконияти етарли эмас.**

**• Саудия Арабистони полицияси мамлакат пойтахти Эр-Риёд шаҳрида 1 тонна портловчи модда ортилган юк машинасини тутиб қолган ҳолда йирик террорчилик ҳаракатининг олдини олди.**

**• Хитой яқин кунларда ўзининг тинчликпарвар аскарларини Либерияга жўнатади.**

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

**Юртимизда «Президент асарлари билимдонлари» республика кўрик-танловининг якуний босқичига тайёргарлик бошланди.**

Давлатимиз раҳбари асарлари мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш, мамлакатимиз мустақиллиги, миллий истиқлол ғояларини тараннум этувчи ижтимоий-сиёсий адабиётларни кенг тарғиб этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан. Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги бир қатор қўмита ва ташкилотлар билан ҳамкорликда «Президент асарлари билимдонлари» мавзуида ўтказиб келаётган танлов ҳам ана шундай эзгу ғояга хизмат қилади.

Бу йилги танловда юртимизнинг қарийб беш минг кутубхонасидан вакиллар фаол иштирок этди. Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол, иродали, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ва халқимиз ўртасида маънавий-маърифий фаолиятни юксак даражага кўтаришнинг аҳамияти беқиёс. Бу эса жамиятнинг келгусидаги маънавий қиёфасиини белгилашда, ёшларни мустақил фикрли, эркин шахс этиб тарбиялаш борасида кутубхоначилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Бугунги кун кутубхоналар фаолиятини давр талаби даражасида ташкил этиш, уларни зарур адабиётлар, айниқса мустақиллик, миллий мафкура ғояларини сингдиришга хизмат қилувчи адабиётлар билан таъминлашни тақозо этади. Шу боис ҳам мазкур кўрик-танлов айнан зиё маскани ходимлари - кутубхоначилар ўртасида ташкил этилди.

Танловнинг якуний босқичига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар иштирокчи етиб келди.

Унинг ғолиблари 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун арафасида маълум бўлади.

## МЕҲР ВА МУРУВВАТ ТАДБИРИ

**Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташаббуси билан Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб ташкил этилган хайрия концерти бўлиб ўтди.**

Ушбу тадбирни ўтказишда «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО, бошқа республика ва халқаро ташкилотлар ҳам яқиндан ёрдам берди. Концертга хорижий дипломатлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик чет эл компаниялари вакиллари таклиф этилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва кўпгина хориж мамлакатларида шуҳрат қозонган «Ипак йўли» камер хори жамоасининг чиқиши тадбирнинг асосий қисмига айланди. Жамоа мумтоз бастакорлар асарлари ва жаҳон халқлари қўшиқларини ижро этди.

Томошабинлар Тошкентдаги имконияти чекланган болалар 2-меҳрибонлик уйининг ёш ҳаваскор артистларининг чиқишини ҳам илиқ қарши олди. Улар ушбу кунга атаб эртаклар асосида театрлаштирилган томоша намойиш этдилар.

Концерт ниҳоясида Тошкент ва Тошкент вилояти ногирон хотин-қизлари учун байрам дастурхони ёзилди, болаларга эса совғалар улашилди.

Байрамдан тушган маблағ «Соғлом авлод учун» жамғармасининг махсус ҳисобрақамига келиб тушади ва республикамиздаги ногирон болалар тарбияланаётган «Мурувват» уйлари учун маиший ускуналар сотиб олишга сарфланади.

Жамғарманинг ҳудудий бўлимлари ҳам республикамизнинг барча вилоятларида бу каби хайрия тадбирларини ўтказмоқда.

## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

**Тошкент Фото уйида пойтахт ҳокимлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Халқаро бизнес маркази, «Hewlett-Packard» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ўзбекистонга муҳаббат билан» кўрик-танловининг ғолиблари эълон қилинди.**

Танловда юртимизнинг кўплаб профессионал ва ҳаваскор фотоусталари ўзининг 500 дан зиёд ижодий иши билан қатнашди. Кўрикнинг бош мукофоти - Гран-при Александр Аблаганга «Баҳор» фотосурати учун, ҳаваскор ижодкорлар орасида эса Дамир Ҳайдарова «Кузги хаёл» композицияси учун топширилди. Рустам Назарматов туркум суратлари билан «Томошабин олқишига сазовор бўлган фотоасар» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

**ЎзА**

*ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ*

**Маҳалла бамисоли йирик бир оила. Таъбир жоиз бўлса, маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар яхши-ёмон кунларда кунингизга биринчи бўлиб ярайди. Мамлакатимиз бўйлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига айни кунларда бўлиб ўтаётган сайловларда маҳаллага эътиборнинг янада ошганлигини яққол кўриш мумкин. Куни кеча Акмал Икромов туманидаги ибратли маҳаллалар сирасига кирувчи «Ватан» маҳалласида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.**

## ТАДБИРКОР ОҚСОҚОЛ ҚАЙТА САЙЛАНДИ

«Ватан» маҳалласи ҳудудида 2 та мактаб, 4 та мактабгача таълим муассасаси, 5 та овқатланиш шохобчалари, 3 та устахона, 2 та пойабзал тузатиш ва кўплаб савдо дўконлари, 2 та шифохона, сартарошхоналар ҳамда 1 та кинотеатр жойлашган.

Ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишига йиғилган 100 нафардан ортиқ фуқароларнинг ушбу сайловни юқори кўтаринкилик билан кутганликлари уларнинг фикрларидан ҳам билиниб турди. Ошкоралик, очиқ овоз бериш тарзида ўтган йиғилишда оқсоқолликка Б.Рихсихўжаев, М.Рашидов, Л.Усмонов, О.Ризаевлар номзодлари қўйилган эди.

Даставвал, маҳалла оқсоқоли Озод Ризаев ўтган икки ярим йил мобайнида амалга оширилган талайгина хайрли ишлар хусусида ҳисобот берди.

Жамиятимизда аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, шаҳримизни ободонлаштириш йўлида туб ислоҳотлар ўтказилмоқда. Оқсоқолнинг фикрига кўра, бу борада «Ватан» маҳалласи фуқароларига ҳам етарлича ижтимоий, моддий ёрдам кўрсатилган. Обод маҳалла йили муносабати билан кам таъминланган 49-уй, 26-уй ва 9 та хонадон қайта таъмирланди. Қизил ярим ой жамиятининг туман бўлими томонидан 46 та оилага кийим-кечаклар тарқатилди. Шунингдек, 2 ёшгача ёш боласи бўлган оилаларга 8.530.074 сўм, 18 ёшгача фарзанди борларга 7250090 сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди. Коммунал тўловларини тўлаш юзасидан якка-ёлғизларга моддий ёрдам кўрсатилиб, савдо шохобчаларига бириктирилиб қўйилди. Маҳалла идораси учун махсус алоҳида хона ажратилди.



Ёшларнинг соғлом ва тетик ўсишлари ҳамда уларнинг бўш вақтларини бекорчилик билан ўтказмасликлари учун 6 та спорт майдончалари қурилди. 191-, 78-мактабнинг спорт заллари қайта таъмирланди. Маҳаллада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Йил давомида маҳаллада турли миллатларни ҳамжиҳатликка чорлаш мақсадида «Қудратимиз дўстликда», «Миллатимиз тинчлик тарафдори», «Соғлом оила — юрт таянчи» каби тадбирлар ўтказилгани ҳам диққатга сазовордир.

Маҳалла оқсоқолидан сўнг тафтиш комиссиясининг раиси Гулнора Исроилованинг ҳисоботи тингланди.

Оқсоқол ва тафтиш комиссияси фаолияти хусусида маҳалла фаоллари З.Ражабов, В.Мухторовалар сўзга чиқиб ҳисобот юзасидан ўз фикрларини билдирдилар ва уни қониқарли деб топдилар.

Очиқ овоз бериш йўли билан Озод Ризаев яна «Ватан» маҳалласининг оқсоқоли этиб сайланди.

Тадбирда иштирок этган меҳмонлар, қўшни маҳалла фаоллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўндан зиёд миллат вакилларининг ўз Ватанлари, ўз маҳаллаларини севишлари, ардоқлашларига яна бир бора гувоҳ бўлдилар десак адашмаймиз. Зеро, маҳалла — тарбия ўчоғидир. Унда еттидан етмиш ёшгача бўлган аҳоли аҳил-иноқ яшайди, тарбия кўради.

Сайлов якунида 13 кишидан иборат оқсоқолнинг маслаҳатчилари сайланди. Келгусида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида кўча ёритгичларини таъмирлаш, ечимини кутаётган муаммоларга эътиборни қаратиш масалалари ҳақида ҳам келишиб олинди.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТДА: «Ватан» маҳалласида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан лавҳа.**

*Ўзбекистон — умумий уйимиз*

## ДЎСТЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ЯНГРАДИ



**Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 11 йиллигини кенг нишонлайдиган кунга ҳам оз қолди. «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», дейилади Бош Қомусимизда.**

Республика Байналмилал маданият маркази ва Маданият ишлари вазирлиги ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳримизда йил давомида ўтказилиб келинган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остидаги дўстлик ва маданият фестивали ҳам Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган ана шу қоида ўзининг ҳаётий-амалий ифодасини топганининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди.



Кўркам ва муҳташам санъат кошонаси Ўзбекистон Давлат консерваториясида ушбу фестивалнинг республика босқичи катта муваффақият, шоду хуррамлик билан бўлиб ўтди. Унда вилоят бадиий жамоалари, шунингдек яккахон иштирокчилар қатнашдилар.

Тадбир очилишида сўз олган Ўзбекистон Маданият ишлари вазири Баҳром Қурбонов, Республика Байналмилал маданият маркази директори Темур Алимов, шаҳар ҳокими ўринбосари Анвар Аҳмедовлар юртимизда истиқомат қилувчи турли миллатлар меросини ўрганиш, тарғиб қилиш, халқ ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш, миллий маданият ва санъатни сақлаш ва янада ривожлантириш йўлида хизмат қилаётган ижодкорлар ва бадиий уюшмалар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган ушбу фестиваль иштирокчиларининг барчасига омад ва зафарлар тиладилар. Турфа маданиятлар гуллаб-яшнаётган мустақил диёримизда бундай байрам тадбирлари ҳамиша давом этиши, миллатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро тинчлик-тотувлик, баҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик каби омиллар юртимиз фарзандларини ҳамиша бирлаштириб, бир-бирларини қўллаб-қувватлашларига хизмат қилишини айтиб ўтдилар.

Икки кун давом этган ушбу фестивалнинг биринчи кунида вилоят босқичида ғолиб бўлган 50 дан ортиқ бадиий жамоалар, шунингдек яккахон иштирокчилар қатнашдилар.

Ушбу фестивалда Ўзбекистон дея аталмиш муқаддас заминга бўлган муҳаббат, дўстлик, тинчлик ва тараққиёт ғоялари болалар ансамбллари, фольклор дасталари, халқ чолғу асбоблари оркестрлари томонидан куй-қўшиқ ва рақсларда, намойиш этилган расмлар, халқ амалий санъати асарларида ўзининг яққол ифодасини топди. Танловни кузатар эканмиз, ушбу дўстлик ва маданият фестивали юксак бадиий савиядаги мусиқа ва қўшиқларнинг юзага келишига, янги-янги истеъдод ва қобилиятларнинг кашф этилишига кенг имконият яратди деб бемалол айтишимиз мумкин.

Тадбирнинг иккинчи куни муҳташам Туркистон саройида қардошлик, дўстлик байрами қатнашчилари бўлмиш турли миллат вакилларининг истеъдод ва қобилиятлари муносиб баҳоланиб, 22 йўналиш бўйича фестиваль ғолиблари эълон қилинди. Унга кўра «Энг ёш ижрочи» йўналиши бўйича Саша Ли (Республика корейс миллий-маданий маркази), «Энг яхши болалар ансамбли» — «Улыбка» (Республика рус миллий-маданий маркази), «Энг яхши мусиқа ижрочиси» — Бўрибой Уразимбетов» (Республика қозоқ миллий-маданий маркази), «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзусини энг яхши ёритиб ижро этган ижрочи — Елена Окилова (Бухоро яҳудий миллий-маданий маркази), «Энг яхши замонавий рақс ижрочиси» — «Движение» ансамбли (Тошкент шаҳар Белорус миллий-маданий маркази), «Энг намунали миллий либос» — «Бюльбюлляр» ансамбли (Республика Озарбайжон миллий-маданий маркази) ва «Дўстлик» ансамбли (Тошкент шаҳар Бошқирд миллий-маданий маркази), «Энг намунали фольклор ансамбли» (Польша миллий-маданий маркази), «Энг яхши ўзбек рақси ижрочиси» (Тошкент грек миллий-маданий маркази ансамбли) лойиқ деб топилди. Таниқли эстрада юлдузлари, санъатимиз дарғалари ғолибларни муборакбод этиб қутладилар. Ишда, оилада, санъатда ҳамиша омад ёр бўлишини тиладилар.

Танлов ғолибларига махсус дипломлар, қимматбаҳо совринлар ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Айни пайтда, фестиваль ғолиблари ижросида катта гала-концерт ҳам бўлиб ўтди.

Биз ушбу қардошлик байрамига ташриф буюриб, дилдан яйраб ўтирган меҳмонларнинг айримларини суҳбатга тортдик.

**Шоҳид ЗАЙНУЛИН,**

**Татар-миллий маданий марказининг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари:**

— Мен Конституциямизнинг 11 йиллиги нишонланадиган кунни катта байрам деб биламан. Чунки Асосий Қонунимизда барча ҳуқуқ ва бурчларимиз, тенг ҳуқуқли ва ҳеч кимдан кам эмаслигимиз белгилаб қўйилган. Мен ушбу дўстлик, қардошлик фестивалининг ҳар доим ўтказилиб турилишини истар эдим. Бундай байрамларда иштирок этган инсоннинг руҳи кўтарилади. Муҳташам кошоналарда фестивалнинг ўтказилиши, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик кишига куч-қувват, руҳий озиқ бағишлайди. Мусаффо осмонимиз, тинчлик-тотувлик ҳукм сурган нурли хонадонимиз ҳамиша омон бўлсин, асло завол кўрмасин, тинчлигимизга кўз тегмасин.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов иштирок этди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтказилган фестивалнинг Республика босқичидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

**Мустақил юртимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ривожини таъминлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, фаолият юритишларида яқиндан ёрдам беришни зиммаларига олган ташкилотлар кўпчиликни ташкил этади. Ана шулар қаторида «Бизнес-фонд» хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди ҳам муваффақият билан иш олиб бормоқда. «Бизнес-фонд» акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Равшан ШАМСИЕВ билан ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда, яъни тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда жамоа аҳлининг саъй-ҳаракатлари хусусида суҳбатлашдик.**

*Мусоҳаба*

# БИЗ УЛАРГА СУЯНЧМИЗ

**— Равшан Ҳасанжонович, бошқарма ўз олдига қўйилган вазифани бажараётганда нималарга эътибор қаратиши лозимлиги хусусида тўхталсангиз.**

— Аввало, фондимизнинг ёш, бошловчи тадбиркорларнинг ҳақиқий таянчи бўлишга интилаётганини айтиб ўтиш лозим. Ҳар бир жамоа ташкил этилар экан, унинг олдида, албатта муҳим вазифа туради. Шу боисдан ҳам «Бизнес-фонд» ҳам 1995 йилда Президентимиз қарори билан очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти шаклида ташкил топган бўлиб, мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, иқтисодий нодавлат секторида ишлаб чиқариш ва молиявий салоҳиятни оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Албатта, янги ташкил этилган кичик корхона ёки микрофирмада ишни бир маромда йўлга қўйиш учун дастлабки сармоя муҳим аҳамият касб этади. Аммо кўпчилик тадбиркорларда яхши ғоя, интилиш, билим бор, мана шу бошланғич сармоя уларга муаммо туғдирарди. Шу боисдан ҳам республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги 366-қарори қабул қилиниб, мазкур ҳужжат кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил этилишини рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда уларнинг молиявий, моддий техник ва хом ашёга эга бўлиш имкониятини кенгайтирди. Бошқармамиз жамоаси ҳам ана шу қарор ижросини таъминлаш, уни ҳаётга татбиқ этиш, тадбиркорлар сафини кенгайтириш, уларга ҳақиқий мадад бўлиб, оёққа туриб олишларини таъминлаш йўлида куч-ғайратларини сарф этишмоқда.

**— Юқоридаги қарор асосида кимлар ва қай тартибда молиявий қўллаб-қувватланмоқда?**

— Қарорда шу нарса белгилаб берилганки, тижорат банклари томонидан ажратилаётган мақсадли кредит линиялари асосан юридик шахс мақомига эга бўлган субъектлар, яъни микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларига дастлабки сармояни шакллантириш учун ажратилиб, улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин 6 ойдан кўп бўлмаган даврда фақат янгидан очилган корхоналарга берилади. Ушбу имтиёзли кредит линиялари бошқаларидан тубдан фарқ қилиб, асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфланиши лозим ва 3 йилгача бўлган муддатда қайтарилиши шарт. Кредит миқдори микрофирма ва деҳқон хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари миқдоригача, кичик корхона ва фермер хўжаликлари учун эса энг кам ойлик иш ҳақининг 300 бараварини ташкил этади.

**— Пойтахтимиз тадбиркорларига имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича жорий йилда қандай натижаларга эришилди?**

— Жорий йилнинг ўтган 9 ойида режадаги 70 миллион сўм ўрнига 180 миллион сўмлик 70 та имтиёзли кредит ажратишга муваффақ бўлдик. Бу 250 фоизни ташкил этади. Шунингдек, бошқармамизда ишчи гуруҳи ташкил этилган бўлиб, унинг малакали мутахассислари ҳар бир мурожаат қилган тадбиркорга керакли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар беради. Тадбиркорнинг қачон, нима мақсадда келгани, манзилгоҳи албатта қайд этилиб, унинг қимматли вақтини тежаш мақсадида телефон орқали иш натижалари ҳам маълум қилинади.

**— Қайси банклар билан ҳамкорликда иш юритасизлар?**

— «Тадбиркорбанк», «Замин-банк», Миллий банк, «Пахтабанк», «Уйжойжамғармабанк», «Туронбанк», «Ғаллабанк», «Савдогарбанк», «Ипак йўли» банки — булар бизнинг энг яқин ҳамкорларимиз ҳисобланади. Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, туман ҳокимликлари, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари билан узвий алоқадамиз. Улар билан келишган ҳолда кредит масалалари бўйича жойларда тадбиркорлар учун семинарлар, мулоқотлар ўтказишга ҳам эътибор қаратганмиз. Жорий йилда ана шундай семинарларда 480 нафар тадбиркор иштирок этди. Шунингдек, пойтахтимизда кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар маҳсулотлари намойиш этилаётган кўргазмаларда иштирок этиб, ўз фаолиятимизни тарғибот-ташвиқот қилишга эътибор қаратганмиз.

**— Яна қандай йўналишларда хизмат кўрсатасизлар?**

— Тадбиркорларни янада кўпроқ қўллаб-қувватлаш мақсадида лизинг асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйдик. Шу кунгача ажратилган лизинг маблағлари 38,457 миллион сўмдан ортиқни ташкил этиб, бу кўзланганидан анча зиёддир. Лизинг фаолияти бошланганидан буён 143 миллион сўмликдан зиёд лизинг маблағлари ажратилди. Шунингдек, тадбиркорнинг Низом жамғармасига кириш йўналиши бўйича иш олиб бораяпмиз. У ишлаб турган ташкилот бўлиши керак. Биз «Мароқанд» ахборот маркази, «Витмер» ва «Маҳалла-мурувват» масъулияти чекланган жамияти Низом жамғармасига кириб, қонун доирасида биргаликда фаолият олиб бораяпмиз.

**— Олинган кредитларни қайтариш масаласи хусусида ҳам тўхталсангиз.**

— Бу борада шуни айта оламанки, қайтарилаётган маблағларнинг барчаси яна тадбиркорларга кредит сифатида қайтариб берилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ушбу кўрсаткич 46 фоизни ташкил этди. Тадбиркорларимизнинг билими, ҳуқуқий, иқтисодий онги ўсаяпти. Берилган кредитларнинг ишлаши, кредитларни муддатида қайтаришга интилиш бундан далолатдир.

**— Имтиёзли кредитлар эвазига самарали фаолият кўрсатаётган тадбиркорлардан мисол келтириш мумкинми?**

— Албатта, мумкин. Аҳолига маиший хизмат кўрсатаётган хусусий тадбиркор Р.Сайфуллин, чинни маҳсулотлари ишлаб чиқараётган хусусий тадбиркор Усмонова, 20 хил мебель маҳсулотлари тайёрлаб, аҳоли эҳтиёжини қондираётган «Ал-барокат мебель» хусусий фирмаси ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, берилган имтиёзли кредитлар асосида 300 га яқин янги иш ўринлари очилиб, шуларнинг 70 тасида мактабни тугатган ёшларни иш билан таъминланди.

**— Тадбиркорлар билан ишлайдиган одамлар ҳам ҳақиқий тадбиркор бўлиши керак, менимча. Сизнинг бу борадаги фикрингиз?**

— Жуда тўғри айтдингиз. Бу борада ходимларимиз ҳам ҳамиша ўз билим ва маҳоратларини ошириб боришади. Менимча тадбиркор ҳар томонлама етук инсон бўлиши, доимо биринчи қаторда бориши керак. У иш кўзини билиши, жамиятдаги ўзгаришларга фикрини билдиришга қодир, ўз сўзи, ғояси бор инсон бўлиши лозим. У ҳуқуқий билимга эга бўлиши, ўз устида доимо ишлаши кераклигини ёдда тутиши шарт. Ана шундай тадбиркорлар иқтисодиётимиз таянчи бўла олади ва биз уларни ҳамиша қўллаб-қувватлашга, суянч бўлишга тайёрмиз.

**Суҳбатдош**
**Шарифа ИЛЁСОВА**

*Дилдаги гаплар*

## АЙНИ МУДДАО

**● Беҳзод НИШОНОВ, хусусий корхона раҳбари:**

**— Мустақиллик — буюк неъмат эканлигини ўтган йиллар мобайнида ҳар бир ҳамюртимиз, барча соҳа ходимлари ўз ҳаётларида, иш фаолиятларида яққол сезишмоқда. Мен ҳам тадбиркорликка очилган кенг имкониятлардан фойдаланиб ўзим орзу қилиб юрган ниятимга эришдим — хусусий корхона очиб унда ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим.**

Шуниси қувонарлики, фаолиятимни йўлга қўйиб олиш учун «Бизнес-фонд» кўмагида имтиёзли кредит олдим, лизинг асосида замонавий дастгоҳларга эга бўлдим. 10 нафар ёш йигит-қизни иш билан таъминлашга ҳам муваффақ бўлдим. Иқтисодий, ҳуқуқий б[...]имларимни оширишда туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси мутахассислар ёрдамида ўтказадиган семинарлардаги фаол иштироким, ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган тадбиркорликка доир ҳужжатларни эринмай ўрганишим катта мадад бўлди.

Тўғри, иш фаолиятим давомида айрим тўсиқларга ҳам дуч келдим. Лекин уни ўз интилишим, куч-ғайратим ва юртимизда тадбиркорларга яратилаётган имкониятларни тўғри англаганим боис енгиб ўтдим. Кейинги йилларда тадбиркорларга солиқ тўлашдаги, кредит олишдаги, рўйхатдан ўтишдаги ва бошқа имтиёзлар ишимиз ривожида жуда муҳимдир. Яна бир нарсадан жудаям мамнун бўлдимки, бу яқинда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн учинчи сессияси муҳокамасига киритиладиган масалалар қаторида «Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасининг ҳам борлигидир.

## МУШКУЛИМ ОСОН БЎЛДИ

**● Нигора ТЎХТАЕВА, тадбиркор:**

**— Тадбиркорликнинг ота-боболаримиздан қон-қонимизга сингиб кетгани ҳақиқат. Мустақиллик туфайли эса ана шу ҳақиқат яна бир бор юзага чиқди. Бунга юртимизда тадбиркорлар сонининг ортиб бораётганлиги ёрқин мисол бўлади. Мен ҳам кўпдан бери тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилиб юрардим. Лекин бунинг учун югур-югурлардан, ортиқча сарсонгарчиликдан, идорама идора қоғоз кўтариб юришдан чўчирдим.**

Бу[...] қарангки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг [...]03 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил эти[...] учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори мушкулимни осон қилди. Ана шу қарор асосида туманимизда ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясига ариза билан мурожаат этдим. Аризам кўриб чиқилиб муддатидан илгари ижобий ҳал бўлди ва гувоҳномани қўлимга олдим. Бу, албатта, ҳукуматимизнинг тадбиркорликни ривожлантиришга қаратаётган юксак эътиборидан бир кўринишдир. Шу боисдан ҳам биз тадбиркорлар бундай имкониятлардан унумли фойдаланар эканмиз, мустақилликни мустаҳкамлашга ўз меҳнатимиз, янгилик ва интилишимиз билан ҳисса қўшмоғимиз лозим.

# ТАДБИРКОР

*Қўшма корхоналарда*

## ИСТЕЪМОЛЧИ ЛАЗЗАТ ОЛСИН



**Бугунги кунда дастурхонимиз файзи ва безаги бўлаётган, қадоқланишда ҳам, сифати билан ҳам, хорижникидан асло қолишмайдиган, нархи эса харидорлар эҳтиёжига яраша қандолат маҳсулотларининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётгани, бу борада қўли гул қандолатчи йигит-қизларимизнинг замонавий хорижий технологиялардан самарали фойдаланаётганлиги қувонарлидир.**

Айниқса, хорижий қадоқлаш ускуналарининг афзалликларидан бири тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган сифатли маҳсулотлар рақбатбардошлигини янада оширишидир. Айни пайтда ички бозоримизда ана шундай қадоқланган товарлар ўз харидорига эга. Шаҳримиздаги «Помир-Шайх» Ўзбекистон-Ҳиндистон-Америка қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг маҳсулотлар ҳақида ҳам ана шундай гапларни ҳеч иккиланмай айтиш мумкин.

Қўшма корхона Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида хорижий инвесторларга яратилган қулай имкониятлар, юртимизда тадбиркорликка қаратилган катта эътибор туфайли иш бошлади. Унинг асосий мақсади аввало ички бозорни четдан келтириладиган қандолат маҳсулотлари ўрнини босувчи товарлар билан таъминлаш ва сўнгра хориж бозорига ҳам экспортни йўлга қўйиш эди. Ўтган қисқа давр мобайнида қўшма корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ўз харидорларига эга бўлди.

— Ҳозирда Эрон давлатидан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозланган 2 та цехда 90 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда, — дейди корхона директорининг тижорат ишлари бўйича ўринбосари Неля Исоқова. — Маҳсулот тайёрлашда маҳаллий ва четдан келтирилган хом ашёдан унумли фойдаланилмоқда. Ҳозиргача маҳсулотларимиз — кекс ва турли хилдаги печеньеларимиз тури 20 дан ортиб кетди. Сифатга эътибор қаратиш баробарида қадоқлашнинг янги усулларига аҳамият берамиз. Негаки бозор иқтисодиёти шароитида харидор ўз диди ва эҳтиёжига яраша товарни танлаш имкониятига эга. Иш бошлаган кезларимизда эронлик малакали усталар ёш йигит-қизларга ёрдам беришди, ўргатиб-ўқитишди. Эндиликда эса ишчи-хизматчиларимиз барча масъулиятни ўз зиммаларига олишган. Уларнинг саъй-ҳаракати, маҳоратлари маҳсулот сифати ва кўринишида, лаззатида ўз аксини топмоқда. Нафиса Иброҳимова, Лола Исломова, Иброҳим Раҳимов, Дилафрўз Нурматова сингари қандолатпазларимиз ҳозир[...] ёш ишчиларга ўз тажрибаларини ўргатишмоқда.

Корхона томонидан ўтган йилда 200 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланиб, шаҳримиз туманларидаги ва вилоятлардаги савдо шохобчалари орқали харидор дастурхонига етказиб берилди. Корхонанинг фирма дўкони ҳам муваффақиятли ишлаб турибди.

Албатта, ишни тўғри ташкил этишда хорижлик шериклар ҳамда маҳаллий ҳамкорлар билан узвий алоқа яхши самара бермоқда. Қадоқлаш ашёлари Эрондан келтирилса, қутилар эса Ангрен картон фабрикасидан олинади.

Шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, корхонада меҳнат ва дам олиш шароитларининг яхши йўлга қўйилгани иш унумдорлиги, маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Негаки моддий ва маънавий манфаатдорлик, саломатлик жойида бўлса, ишда барака бўлишини корхона мутасаддилари дилдан ҳис этишади. Ҳовлилари гулу гулзор, мевали дарахтлар ҳам бўй чўзаётган озода ва шинам ушбу масканнинг кўриниши бу ерда меҳнат қилувчиларнинг баҳри-дилини очса, дам олиш хоналари, сузиш ҳавзаси, ҳар бир байрамда уюштириладиган мусиқий кечалар, озода иш кийимлари, таътил даврида юртимизнинг сўлим гўшаларига саёҳатлар уларнинг ғайрат-шижоатини оширади, меҳнатларига муносиб баҳо олаётганини ҳис этишади. Шунинг учунми барча жамоа муваффақиятига ҳисса қўшишга интилади.

Тадбиркорлар маҳсулот турлари ва сифатини оширишга эътибор қаратар эканлар, ўзларининг юксак мақсадларига эришишни ҳам кўзда тутишган. Ушбу мақсад хориж бозорига чиқиш, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли рақобатбардош ширинликларни қўшни давлатларга экспорт қилишдир. Шунингдек, ишни 2 сменада ташкил этиб, қўшимча ишчи ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш ҳам келгуси кўзда тутилган режалар сирасидандир.

— Энг муҳими, — дейди корхона бош директори Муҳаммадсами Анварий, — маҳсулотимизнинг усти ялтироқлигида эмас, балки харидор севиб олаётгани ва ҳузур билан истеъмол қилаётганидадир.

**Дилноза ҒИЁСОВА**



**СУРАТЛАРДА: корхона ишчи-хизматчилари фаолиятидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

*Қарор ва ижро*

## АМАЛДА ҚЎЛЛАЯПМИЗ

**Юртимизда тадбиркорлар учун имкониятлар эшиги кенг очилиб, уларнинг янада самарали фаолият кўрсатишлари учун қулай шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу қулайликлар, қўллаб-қувватлашлар Президентимиз Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорларида ёрқин акс этмоқда. Ушбу ҳужжатлар тадбиркорлар сафининг янада кенгайишига, уларнинг иқтисодиётимиз ривожида ҳиссаси тобора ортиб боришида муҳим аҳамият касб этади.**

— Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 357-сонли қарорига мувофиқ туман ҳокимлиги ҳузурида Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ташкил этилди, — дейди Ҳамза туманидаги шундай инспекция бошлиғи Жамшид Мўминов. — Ушбу қарорда белгиланган тартибга кўра тадбиркорлик субъектлари фаолиятини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда биринчидан, розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилиши, иккинчидан, барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказадиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланади.

Жорий йилнинг 1 октябридан ташкил этилган инспекциямизда 7 нафар ходим объектларни қуриш, қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш, корхоналарни Давлат реестридан чиқариш, юридик шахсларни ҳамда якка тартибдаги шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш йўналишлари бўйича иш олиб бораяпти. Ташкил топганимиздан ҳозирги кунгача инспекцияга жами 377 та ариза тушди. Йўналишлар бўйича оладиган бўлсак юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказишга 32 та ва қайта рўйхатдан ўтказишга 40 та ариза тушган бўлса, уларнинг ҳаммаси вақтида ижобий ҳал этилди. Якка тартибдаги шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишга тушган 161 та ва гувоҳномага ўзгартириш киритишга тушган 96 та ариза ҳам ижобий ҳал этилди.

Объектларни қуриш масаласига келсак, инспекцияга тушган 1 та ариза ҳозирги кунда шаҳар Меъморчилик ва қурилиш бош бошқармаси томонидан кўриб чиқилмоқда ва белгиланган муддатида ҳал этиб беришга эришилади. 17 та ариза эса қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш бўйича бўлиб, шулардан 5 таси ижобий ҳал этилиб, аризачиларга рухсат гувоҳномаси берилди. Жумладан, туманда жойлашган «DEKONT FARM» масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилнинг 22 октябрида берилган ариза белгиланган бир ойлик муддатдан илгари кўриб чиқилди. Жамиятнинг меъморчилик лойиҳалаштириш ҳужжатларининг 1 ва 2 қисмлари шаҳар Меъморчилик ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тайёрланиб, бинони қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат расмийлаштирилди ва 14 ноябрда гувоҳнома топширилди. Шунингдек, 3 та ариза бўйича қонун доирасида рад жавоби берилди, 9 та ариза эса бошқарма томонидан кўриб чиқилмоқда.

Турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш учун 2 та мурожаат бўлиб, булар «ORIENTAL MANAGEMENT» шўъба корхонасининг 2003 йил 31 октябрдаги тумандаги С.Азимов 4-тор кўчаси, 15-уйни турар жойдан нотурар жой тоифасига ўтказишни сўраб ёзган аризаси туман инспекцияси томонидан қонун доирасида муддатидан кечиктирмай ҳал этилиб, туман ҳокимининг қарори қабул қилинди. Иккинчи аризани ҳам ижобий ҳал этишга муваффақ бўлинди.

Корхоналарни давлат реестридан чиқариш борасидаги 28 та ариза ҳозирги кунда туман ҳокимлиги қошидаги тугатиш бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўтган қисқа фаолиятимиз давомида шунга амин бўлдикки, ушбу янги қарор қабул қилинганидан буён тадбиркорларнинг муаммоларини ечишда, уларнинг қимматли вақтларини тежашда, ишга муносабатларини янада яхшилашда, қўллаб-қувватлашда унинг аҳамияти яққол сезилмоқда.

Йўналишларимиз бўйича олиб бораётган барча ишларимизни муваффақиятли амалга оширишда ходимларимизга яратилган имкониятлар қўл келмоқда. Хоналаримизга ўрнатилган замонавий компьютер техникалари тармоқ ва Интернетга уланган бўлиб, ҳужжатлар тегишли бошқармаларга электрон почта орқали юборилади ҳамда у орқали яна маълумот ва жавоблар қабул қилинади. Бизга мурожаат этаётган ҳар бир якка тартибдаги ва юридик шахсларнинг аризасини ўз вақтида ҳал этишга, уларнинг тадбиркорлик ишларига кўмак беришда имкониятларимиз етарли. Фақат ундан оқилона фойдаланиш ходимларимизнинг билими ва маҳоратига боғлиқ. Зеро, ҳар биримиз ушбу саъй-ҳаракатларимиз юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида хизматга бел боғлаган тадбиркорларга катта кўмак бўлишини яхши англаймиз.

**Шарофат БАҲРОМОВА**
**ёзиб олди.**

*Сўранг, жавоб берамиз*

## АХБОРОТ ВА МАСЛАҲАТ БЕРИШАДИ

**Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кишилар тез-тез ахборот ва маслаҳатга муҳтож бўладилар. Шу боисдан ҳам товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари қошида ташкил этилган ахборот-маслаҳат марказларининг бу борадаги вазифалари ҳақида маълумот олишни истаймиз.**

**Зулфизар Исломова,**
**Дилшод Одилов,**
**Чилонзор тумани.**

— Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ахборот-маслаҳат марказлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 майдаги 232-сонли қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, у тадбиркорлар учун турли хилдаги ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сони, хизмат кўрсатиш турлари, уларнинг нархи, ўлчамлари, етказиб бериш муддатлари, асосий истеъмолчилари, малакали ҳуқуқий маслаҳатлар олиш, хорижий инвесторлар, технологиялар, солиқ бўйича имтиёзлар, кредит олиш тартиби, бизнес режа ва таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва бошқалар ҳақидаги кенг ва энг сўнгги ахборот ҳамда маслаҳатларни олишда қўл келиб, эҳтиёжларини ҳал этиши мақсад қилиб қўйилди.

Ушбу марказнинг асосий вазифалари хусусида тўхталадиган бўлсак, у қисқача қуйидагилардан иборат: тадбиркорлик соҳасидаги дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларини иқтисодий, ҳуқуқий, ишлаб чиқариш-технологияга оид керакли маълумотлар билан таъминлаш; кичик ва ўрта бизнес субъектларига, хусусий тадбиркорларга таъсис ҳужжатлари, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш, кредит олиш учун аризалар бериш, муҳосиба ҳисоби ва ҳисоботларни тайёрлаш, аудиторлик текширувини ўтказишда кенг кўламда ёрдам бериш; ҳуқуқий хизмат кўрсатиш, солиқ, молия, банк, суғурта ва бошқа тузилмалар билан ўзаро муносабатларида кўмак бериш; инвестиция таклифларининг техник-иқтисодий асосланишини тайёрлаш, кичик ва ўрта тадбиркорлик учун инвестиция лойиҳаларини танлов асосида танлаб олиш учун зарур ҳужжатларни ва уларни молиявий таъминлаш ҳисобларини тайёрлаш; тадбиркорларга асбоб-ускуналарни танлаш, сотиб олиш ва ўрнатишда, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда, тайёр маҳсулотни олиш ва сотиш жараёнини барқарорлаштиришда, хом ашё ва малакали меҳнат захирасига боғлиқ масалаларни ҳал қилишда, ҳамкор ва шериклар ёрдамида ўз капиталини етарли миқдорда тўплашда керакли ёрдамларни ташкил этиш, кредит олиш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш ва тендер ғолибларини аниқлаш, доимий танлов комиссияларида иштирок этиш; халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашнинг юқори технологиялари соҳасидаги, шунингдек мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун долзарб бўлган хўжалик юритиш йўналишидаги ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни жойларда оммалаштириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг экспорт салоҳиятини кучайтиришга ёрдам бериш ва бошқа хизмат турлари киради. Республикамизнинг барча вилоятларида ахборот-маслаҳат марказининг ҳудудий бўлинмалари муваффақиятли ишлаб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга интилаётган тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлашда хизмат қилмоқда.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 77 | Юнусобод-18 мавзе, В.Высоцкий кўч. 0,03га №2 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 4 857 000 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 78 | Юнусобод-18 мавзе, В.Высоцкий кўч. 0,03га №3 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 4 857 000 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 79 | Юнусобод-18 мавзе, В.Высоцкий кўч. 0,03га №4 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 4 857 000 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 80 | Юнусобод-18 мавзе, В.Высоцкий кўч. 0,03га №5 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 4 857 000 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 81 | Майқўрғон ва Тикланиш кўч. кесишувида 0,03га | Дўкон | 2 506 470 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 82 | Чимкент катта йўлида 0,03га | Ателье ва дўкон | 3 921 540 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 83 | "Юнусобод-15" мавзе Т.Зохидов кўчаси. 0,03га | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 3 984 420 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 84 | А. Дониш кўчаси. 0,024га | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 3 479 220 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 85 | А. Дониш кўчаси. 0,025га | Чойхона | 3 573 750 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 86 | А. Дониш кўчаси. 0,025га | Савдо, маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси хамда Чойхона | 3 573 750 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 87 | 12-мавзе, А.Дониш кўчаси. 0,04га, №1 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 2 573 400 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 88 | 12-мавзе, А.Дониш кўчаси. 0,04га, №2 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 2 573 400 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 89 | 13-мавзе А.Дониш кўчаси. 0,06га | Соғломлаштириш мажмуаси | 6 437 400 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 90 | Майқўрғон ва Ҳасанбой кўч. кесишувида 0,05га, №1 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 4 215 000 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 91 | Майкургон ва Ҳасанбой кўч. кесишувида 0,05га, №2 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 4 215 000 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 92 | Майқўрғон ва Ҳасанбой кўч. кесишувида 0,05га, №3 | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 4 215 000 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 93 | Майқўрғон ва Тикланиш кўч. кесишувида 0,10га | Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 6 009 000 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 94 | Гв.полковник Хўжаев кўчаси 0,03га | Савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 3 432 750 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| | **Ҳамза тумани** | | | |
| 95 | Шолохов кўчаси 0,007га | Маиший хизмат кўрсатиш биноси | 2 290 200 | 2003й. 5,12,19,26 декабрдан 2004й. 2,9,16,23,30 январгача |
| 96 | Хосият кўчаси 0,1га | минимаркет | 5 614 000 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 97 | Тошкент Ҳалқа йўли 0,2га | маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 16 171 000 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 98 | Қурувчилар кўчаси 0,02 га | маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 2 782 400 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 99 | Чўлпон ота кўчаси 0,2га | маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 12 537 000 | 2003й. 19,26 декабр 2004й. 2,9,16,23,30 январ |
| 100 | З.Шамсутдинова кўчаси 0,12га | автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси | 30 185 400 | 2003й. 19,26 декабр 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 101 | Қурувчилар кўчаси 0,06га | савдо мажмуаси | 2 559 600 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 102 | Лисунов ва Иззат кўчалари кесишган жой 0,01га | минимаркет | 2 662 800 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 103 | Кадишев кўчаси (2та) ҳар бири 0,04га.дан | савдо-маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси | 3 408 600 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 104 | Кадишев кўчаси 0,02га | дорихона | 1 704 300 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 105 | Тошкент Ҳалқа йўли 0,02га | қаҳвахона | 2 727 200 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| | **Бектемир тумани** | | | |
| 106 | Х.Бойқаро кўчаси 0,02га | супермаркет | 1 681 000 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 107 | Х.Бойқаро кҒчаси 0,03га | маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси | 2 118 000 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 108 | Лойиҳадаги Г-60,0 м кўчаси 0,02га | савдо дўкони | 1 681 000 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |
| 109 | «Сувсоз» мавзеси 0,02га | озиқ-овқат дўкони | 1 681 000 | 2003й. 19,26 декабрь 2004й. 2,9,16,23,30 январь |

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.**

**Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт ва кўчмас мулк объектларига бошланғич нархидан 10 фоизи микдорида, узоқ муддатли ижара ҳуқуқига эса 5 фоизи микдоридаги закалат пулларини тўлашлари шарт.**

**Закалат пуллари «POYTAXT AUKSION» ДУК «Уйжойжамғармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги, банк коди 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.**

**Савдолар соат 11-00 да бошланади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16«А»-уй, 204-хона. Телефонлар: 133-02-49; 133-23-40.**

## «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

**2003 йилнинг 21 ноябрь куни ўтказилган аукцион савдолари натижалари:**

**Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, «Ц» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,15 га бўлган, автомобилларга хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқини 12 400 000 сўмга;**

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги «Қурувчилар» марказий поликлиникасининг давлат рақами 10 AI 087 бўлган УАЗ-3962 русумли автотранспорт воситасини 520 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.**

*Фирибгар ва лақмалар*

# ХАЗОН БЎЛГАН УМР

Кечаси майдалаб ёққан ёмғир тонгга яқин қорга айланди. Катта-катта лайлак қор. Гўё осмондан сон-саноқсиз оқ капалаклар учиб тушаётгандек.

— Ура, қор ёғаяпти. Қорбобо совға олиб келади энди.

Ўғилчасининг шодон қичқириғидан Толмас уйғониб кетди. Кўзини аранг очиб, деразага қаради. «Оббо, — деди таъби тирриқ бўлиб, энди мижознинг мазаси бўлмайди. Аксига олиб машинанинг ҳам балонлари анча емирилган».

— Дадаси, турақолинг. Чой совуб қолмасин.

Толмас ювиниб, дастурхон бошига келганида болалари аллақачон чой ичиб бўлишган, мактабга жўнаш учун шай бўлиб туришарди.

— Дада, пул бераркансиз, муаллимимиз айтди, — деб қолди бир пайт катта қизи.

— Нимага?

— Синфхонамизни безарканмиз.

— Дадамнинг пули йўғакан, деб айт.

— Ий, ҳамманинг дадаси беради-ку...

Қизалоқнинг кўзларида ёш ғилтиллади.

— Менинг калишим тешик. Оёғимдан сув ўтаяпти, — йиғламсиради кичиги.

— Китоб оберинг. Математика ўқитувчимиз дарсга қўймаяпти,— қатордан қуруқ қолмади ўғли ҳам.

—Бўлди қилийла. Даданг чойини ичсин, ахир!

Хотинининг кескин овози ҳамма гап-сўзга нуқта қўйгандек бўлди. Болалар тумшайиб мактабга жўнашди. Ҳозиргина ғала-ғовур бўлиб турган уй бир зумда сув сепгандек бўлиб қолганди.

— Дадаси, уйда ун, ёғ тугабди.

— Энди сен бошламай тургин, хотин. Кўриб турибсан машинанинг аҳволини. Бир кун ишласа, икки кун таъмирда. Бугунги ҳавода тозаям расво бўлса керак.

Аёл эрининг кўчага отланаётганлигини кўриб: «Дадаси, бугун чиқмай қўя қолинг унда» демоқчи бўлди-ю, яна шаштидан қайтди. Ахир рўзғорлари ўтиши керак-ку! Бу ёқда болаларининг ҳам муаммолари кўпайиб бораяпти.

Толмас машинасини ўт олдириб, ҳар доимги мижоз кутадиган жойига келди. Қор ёғиб турган бўлсада, киракашлар анчагина. Аммо мижоздан дарак йўқ.

— Сани машинангга миниб бўлмайди. Фақат томоша қилиш керак,-деди «ҳамкасби» Ҳомид у билан қўл бериб кўришаркан. — Нимасини айтасан. Усти ялтироқ, ичи қалтироқда.

Анча ўтиришди. Одам йўқлигидан кўпчилик киракашлар уйларига жўнаб қолишди.

— Манам қайтаман, — деди бир маҳал Ҳомид совуқ қотган қўлини «куҳ-куҳ»лаб. — Энди ҳеч ким бўлмайди.

Ҳомид кетгандан кейин ҳам Толмас анча ўтирди. Ҳафсаласи пир бўлиб энди кетаман деб турганди, узоқдан иккита қизнинг қораси кўринди. Улар тўғри Толмаснинг олдига келишди.

— Ҳа қизлар, йўл бўлсин.

— Косонга.

Қизлар нархини ҳам сўрамай машинага ўтиришди. Толмаснинг димоғига хушбўй, майин атир ҳиди «гуп» этиб урилди «Хотиним атир сепишни ҳам билмайди» дея ўйлади у. Шу заҳоти хотинининг «дадаси, уйда ун йўқ» дегани кўз олдига келди-ю, мийиғида кулиб қўйди. Рўзғордан орттириб қўлига беш-тўрт сўм беролмасам. Қаерданам ўзига қарасин бечора.

Толмас машина ойнасидан қизларга кўз ташлади. Иккиси ҳам чарм плаш кийиб олган, қулоқ ва қўлларида тилла тақинчоқлар ялтирайди.

«Бирор бойваччанинг арзандалари бўлишса керакда. Яхши бўлди. Бундайлар пулнинг бетига қарамайди». Унинг хаёлидан шу ўй ўтиши ҳамоно қизлардан бири тилга кирди.

— Ака, биза Косондан анча ичкарига кириб кетамиз.

— Майли. Марсга десайла ҳам обориб қўяман. Фақат нархидан қочмасайла, бўлди.

Қизлар тезгина бир-бирларига қараб олишди.

— Хавотир олманг. Бизлар эркакча гурунг қиламиз.

Анча юришди. Қор қалинлашиб машина юришга қийнала бошлади.

— Яқинлашай дедикми? — деди Толмас хавотирланиб.

— Оз қолди...

Яккам-дуккам уйлар тугаб, тап-тақир чўл бошланди. Узоқдан йўл четида тўхтаб турган «Жигули» машинаси кўзга ташланди. — Шу ерда тўхтанг, — деди қизлардан бири машина олдига келишгач. Қизлар машинадан тушар-тушмас «Жигули»дан иккита барзанги йигит тушиб, улар томон келишди. Бирбирлари билан қуюқ сўрашишиб, алланималарни шивирлаша бошлашди. Толмаснинг кўнглига хавотир оралади. «Нега йигитларнинг кўзлари бежо, қизлар алланимадан қўрққандек бесаранжом. Бир фалокат бўлмаса гўргайди».

— Манзилга етган бўлсанглар, ман қайтсам, ҳақини келишсак!

— Мана ҳозирда. Олдин тушчи машинадан.

Йигитлардан бири унинг елкасидан чангаллаб, пастга судради. Толмас гапиришга энди оғиз жуфтлаганди, бошига мушт тушди. Сўнг яна ва яна. У ерга ағдарилар экан, нима учун калтак еяётганлигини билмас эди.

— Эркакча гурунг, деганларинг шуми? — деди у қизларга алам билан.

Улар ҳиринглаб кулишди.

— Пул керак бўлса бераман.

— Пулингга хўрозқанд олиб е. Бизга машина керак.

— Майли олинглар.

— Олдин сенинг жонингни оламиз.

Йигитлар Толмаснинг бўйнига сим чилвир солиб бўға бошлашди. Толмас ҳарчанд қаршилик кўрсатмасин иккита бақувват йигитнинг қўлидан чиқиб кетишга ожиз эди. У сўнгги бор қорли осмонга қаради. Паға-паға бўлиб ёғаётган қор гўё ердаги гуноҳларни беркитмоқчи бўлгандек замин узра чарх урарди...

— Зовурга ташлаймиз. Ҳеч ким билмайди.

Қалин қамишзор ичида тангадек ялтираётган зовур суви қаттиқ ,,шалоп'' этди-ю, бир бегуноҳни ўз бағрига олди. Оқ «Тико» яна йўлга тушди. Аммо унинг рулида энди бошқа биров ўтирарди...

**Бахтибой ФОЗИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратураси**
**бошқармасининг катта прокурори.**

*Спорт*

## БОЛАЖОНЛАРГА МУНОСИБ ТУҲФА

Келажагимиз ворислари — фарзандларимизнинг маънан етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс. Болалар ўртасида спортни янада оммалаштириш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими қошида «Умид» спорт мажмуаси бунёд этилаётганлиги қувонарли ҳол албатта. Шуниси қувончлики, ушбу мажмуада болажонлар спортнинг волейбол, баскетбол, қўл тўпи, футбол ва бошқа турлари билан бемалол шуғулланиш имконига эга бўладилар. Бунинг учун ушбу мажмуада барча шароитлар муҳайё этиляпти. Дам олиш, ювиниш хоналари ва ошхона болажонлар хизматида бўлади.

## ЖАҲОНГА БЎЙ ТАРАТМОҚДА

Миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган миллий спорт тури — кураш жаҳонга бўй таратмоқда. Буни жаҳоннинг кўпгина давлатларида кураш федерацияларининг ташкил этилганлиги ва халқаро миқёсда турнирлар уюштирилаётганлиги исботлаб турибди. Яна бир кеча кунлардан сўнг янги Зиландияда кураш бўйича қитъа биринчилиги бўлиб ўтади. Унда 25 та давлатнинг полвонлари қатнашиб ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Хусусий тадбиркор К.Искандаровга М.Улуғбек туман Давлат солиқ идораси томонидан 2003 йил 26 мартда берилган № 392, № 393 рақамли Даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Газ тўлдириш станцияси» давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларга 2004 йилга қисилган пропан-бутан газини етказиб беришга лимитларн ажратиш учун талабномаларни бериш лозимлигини билдиради.

Талабномаларни топшириш муддати 2003 йилнинг 10 декабригача давом этади. «ГТС» давлат унитар корхонаси маъмурияти.

Маълумотлар учун телефонлар: 90-39-69, 90-43-63

**Манзил: Тошкент шаҳри, З.Шамсутдинова кўчаси, 72 а.**

*Танловлар*

**Мактаб ёшидаги ўсмир дарсдан сўнг нонушта қилар қилмай спорт мажмуасига шошилади, маълум вақт шуғуллангач уйига қайтади, уйда дарс тайёрлаш, китоб ўқиш, тушунмаганларини ота-онасидан сўраш билан овора бўлади. Ҳар бир ўтаётган кун ана шундай тугалланади. Иккинчи бир ўспириннинг эса ҳаттоки мактабга боришга ҳам ҳуши йўқ вақтини қандай ўтказишни билмай кўчага қараб йўл олади, у ерда ўзига ўхшаган ишёқмас, ахлоқи бузуқ ёшлар даврасига қўшилиб дўстлашади. Биринчи ўспирин 18 ёшида спортда жаҳон тан олган ёшлар қаторидан ўрин олган бўлса, иккинчиси 18 ёшида гиёвандлик оқибатида қилган жинояти сабаб темир панжара ортига тушади. Шу ўринда кўпроқ иккинчи ёшнинг тақдири, унинг келгуси ҳаёти кишини ўйга толдиради.**

## ЁШЛАР ГИЁВАНДЛИККА, ОИТСГА ҚАРШИ!

Бугунги кунда гиёванд моддалар истеъмол қилиш оқибатида айрим ёшларнинг ҳаёти фожиали якун топмоқда. Маълум сониялик лаззат, маишат ортидан қувиб келгуси тақдирига бефарқ бўлаётганлар ОИТС касаллиги билан оғриб, аччиқ оғуннинг азобини тортмоқдалар.

Ҳа, ёшлик кексаликда роҳат-фароғатда яшаш учун замин тайёрловчи даврдир. Унинг қадри кўпроқ кексайганда билинади. Ёшларимиз бугунги кунда буни англаб етмоқдаларми? Турли ёмон иллатлар оқибати уларни ҳам ўйлантиряптими? Гиёвандлик, ОИТС касалликларига чалинганларнинг фожиали ҳаётлари уларга сабоқ бўлаяптимикин? Бундай саволларга жавоб олиш мақсадида яқинда Юнусобод тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, Қизил Ярим Ой жамияти туман кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими кенгаши, «Соғлом авлод учун» таянч пунктининг туман бўлими ҳамкорлигида Халқаро ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан танлов ўтказилди.

«ОИТС тўғрисида ҳақиқат. Уни бошқаларга ҳам етказ!» мавзусидаги ушбу кўрик-танлов уч босқичда ўтказилиб, унда тумандаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари иштирок этишди. Танлов шартларига кўра, талаба-ёшлар рассомчилик бўйича Қизил Ярим Ой жамиятининг воқелигини тимсоллар асосида тасвирлаб беришлари ҳамда ОИТС касаллигига алоқадор ҳолатларни акс эттиришлари керак эди. Шунингдек, ОИТС касаллигига чалинган инсонлар ҳаётидан олинган ҳақиқатни жонли тарзда ижро этишлари ҳам талаб этилди.

Берилган шартларга кўра, талабалар ўз маҳоратларини намойиш этишиб, саҳналаштирилган томошаларни ҳам ҳакамлар ҳайъатига ҳар жиҳатдан мукаммал тарзда ижро этиб бердилар. Шуниси эътиборлики, ушбу танлов босқичма-босқич давом этиб, туманлар бўйича ғолиблар шаҳар миқёсида ўз рақиб гуруҳлари билан беллашадилар ҳамда белгиланган «Энг яхши рассом», «Энг яхши саҳна кўриниши» йўналишлари бўйича совринларни қўлга киритишади.

**Орзугул РУСТАМОВА**

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

**Мана бир неча йилдирки, республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш билан йилни якунлаш анъанага айланиб қолган.**

## ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК

Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — энг аввало, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг кўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириш ва шу орқали ёнғинларнинг сонини камайтиришдан иборатдир. Ҳар бир ёнғин ўз-ўзидан эмас, балки инсонларнинг лоқайдликлари, бепарволиклари, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ва болаларнинг назоратсиз қолиб, олов билан ўйнашлари натижасида содир бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Биргина шаҳримизда шу кунга қадар 1585 та ёнғин содир бўлиб, 20 нафар инсоннинг умри ушбу офат балосида завол бўлди ва 34 нафар фуқаро ҳар хил турдаги тан жароҳати олиб, оғир аҳволда куйганлар марказига юборилди.

Ёнғинларнинг олдини олишда аҳоли ўртасида ўтказилаётган кенг кўламдаги тушунтириш ишларининг аҳамияти каттадир. Бу нарсага, айниқса, болалар ўртасида кўпроқ эътиборни қаратиш лозим. Шу боисдан тадбир давомида ёнғин хавфсизлиги ходимлари тез-тез мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида бўлиб, тарбияланувчиларга ёнғин хавфсизлигининг ҳаёт учун муҳим қоидаларини ўргатиб боришмоқда. Ёшликда берилган билим ва машғулотлар, ҳар қандай кўникмалар узоқ йилларгача уларнинг ёдидан чиқмайди. Бундай машғулотларни ўтказишдан кўзланган мақсад эса — ёнғин содир бўлган ҳолларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини ўргатиб боришдан иборатдир. Рангли плакат ва фотосуратлардан фойдаланган ҳолда, турли савол-жавоб ва викториналар билан ўтказиладиган учрашувлар ниҳоятда қизиқарли бўлади.

Бундан ташқари, соҳа ходимлари доимий равишда ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида хонадонларда бўлишиб, ёнғинларнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлашга ва аҳоли билан ҳамкорликда бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилмоқдалар. Тадбир давомида бундай ишлар янада кучайтирилади ва бу ишга оммавий ахборот воситалари, меҳнат жамоалари, маҳалла фаоллари ҳамда аҳоли кўпроқ жалб этилади. Шуни унутмаслигимиз кераккки, ёнғинларнинг олдини олиш, ўз уйимизни, фарзандларимизни, йиғиб-терган мол-мулкимизни асраш барчабарчанинг бурчидир.

**Муслима РАҲИМОВА, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси муҳандиси, ички хизмат лейтенанти.**

*Биласизми?*

## ПЕТРУШКА ҲИДНИ ЙЎҚОТАДИ

Петрушканинг таркибида С витамини ва минерал сувлар сероб. Ҳар куни овқатдан сўнг петрушканинг бир шохчасини оғзингизга олиб чайнаш билан оғизда пайдо бўладиган нохуш ҳиднинг олдини оласиз ҳамда бир йўла унинг таркибидаги витаминлардан ҳам баҳраманд бўласиз. Айниқса, милклар шамоллаганда петрушкани чайнаш жуда фойдалидир.

## ЛИМОН — ТЕРИНИ ЮМШАТАДИ

Лимоннинг таркибида С витамини кўп бўлганлиги сабабли шамоллаш хасталигида кенг қўлланилишини ҳамма билади. Лекин лимон шарбати ёрдамида тишдаги, тирноқлардаги доғларни кетказиш ёки оёқлар терисининг баъзи жойларида тери қалинлашиб доғдек кўринган жойларини асл ҳолига келтириш мумкин. Бунинг учун лимоннинг мағзи тирноқлар, тери устига яхшилаб суртилиб, устидан юмшатувчи крем ҳам қўйилади. Бу муолажани бир неча марта такрорланса натижаси кўнгилдагидек бўлади.

## ҚАЙМОҚ ЧАРЧОҚНИ ОЛАДИ

Бу маҳсулот юз терисини яхшилайди. Янги қаймоқ юзга кўркамлик бахш этади, танадаги чарчоқни олади. Ярим стакан суюқроқ қаймоққа 1 чой қошиқ лимон суви қўшиб аралаштирилади, сўнгра пахта билан яхшилаб бетга суртилади. Кўзга суртмаслик керак. Лимон суви кўзни ачиштириши мумкин. Кўзга суртиш учун фақат қаймоқнинг ўзидан фойдаланиш мумкин. 20-30 дақиқадан сўнг юзингизни илиқ сув билан чайиб ташлайсиз.




Изоҳга ҳожат йўқ.

Абдурасул Ҳакимов чизган расм.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-007. 23456